

ТАҚҚОСЛАШ ЁКИ ҚИЁСЛАШГА ДОИР МУСТАҚИЛ ИШЛАРГНИНГ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Б.Г.Бабашева

**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Умумий педагогика ва
психология кафедраси катта ўқитувчиси п.ф.д. (PhD)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8002901>

Аннотация: Бошланғич таълимда дарс самарадорлигини оширишда ўқувчиларни мустақил ишлашга, ижодий фикрлашга ўргатиш, синфда ижодий вазият яратишда грамматик таъриф ва қоидалар учун танланадиган мисоллар ва дидактик материаллар муҳим ўрин тутиши, грамматик ўйинларни тайёрлаш мавзулари борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: сўз маъносини изоҳлаш, нутқ ўстириш, ўқувчи тафаккури, асар мазмуни, таққослаш методи, қиёслаш.

Бошланғич адабий таълимда ўрганиладиган материаллар ўқувчиларнинг билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, тафаккури ва нутқини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу боис дарслик ва мажмуалар яратишда ДТС ва ўқув дастурларида белгиланган мезон ва талаблар ўз ифодасини топиши бежиз эмас. Агар бошланғич синфларнинг “Ўқиш” дарсликларига эътибор қилинса, уларда асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш, сўз маъносини изоҳлаш асосида нутқ ўстириш, ёзувчи ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қаҳрамонлар характер хусусиятларини таҳлил қилиш мақсади асосан савол-топшириқлар мазмунига сингдирилгани кузатилади.

Шу ўринда ўқувчилар билиш жараёнлари ривожда қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини баҳолаш, қиёслаш, солиштириш ва таққослашга йўналтирувчи мустақил ишларнинг аҳамиятини таъкидлаш ўринлидир. Ўқувчилар талаб қилинган вазифани бажаришларида ижодий фикрлаш ва таққослаш, ўз фикрларини ривожлантириш ва тўлдириш имкониятига эга бўладилар. Хусусан, 2-синф “Ўқиш” дарслигида Р.Толибнинг “Саёқ бола” ҳикояси (39–41-б.) билан К.Турдиеванинг “Ёдласам бўлмасмиди?” шеъри (42–43-б.) ўрганилгач, “Ушбу шеър қаҳрамони билан “Саёқ бола” ҳикоясидаги Тоживой нимаси билан ўхшаш?” саволи қўйилган. Агар болалар ҳар иккала асар мазмуни билан чуқур танишган бўлса, қаҳрамонларни дангасалик, тартибсизлик ҳамда ишёқмаслик хусусиятлари бирлаштиришини англаб етишлари қийин бўлмайди. Шунингдек, дарсликдаги “Кенжа ўғил” ва “Энг яхши совға” эртаклари қаҳрамонлари нимаси билан ўхшашлиги ҳақидаги савол (151-бет) ҳам ўқувчи тафаккуридаги ижодийлик қаторида мантиқийликни ҳам такомиллаштиришга хизмат қилади[1].

4-синфда “Очкўз бой” ҳамда “Зумрад ва Қиммат” эртакларининг ўхшашлиги ва фарқини аниқланг (55-б.) топшириғини ҳал қилиш орқали ўқувчилар очкўзлик, қаноатсизлик туфайли инсон ҳалокатга маҳкум бўлишига эртак қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари мисолида гувоҳ бўладилар.

Дарсликдаги “Ҳийлагарнинг жазоси” (55–57-б.) матнидан соддадил билан ҳийлагарга хос хислатлар тасвирланган ўринларни топиб, қайта ўқинг ва солиштиринг (57-б.); Қ.Ҳикматнинг “Қиш тўзғитар момик қор” шеъри билан Т.Адашбоевнинг “Қиш” шеъри

мазмунини таққосланг (86-б.); А.Абдураззоқнинг “Чумчуқ билан Чумоли” шеърида текинхўрлик билан меҳнатеварлик тушунчаларини солиштиринг (128-б.); Ҳ.Раҳматнинг “Жала даракчиси” шеърида “Шеърда момақалдиноқ нимага ўхшатиш?” (156-б.) мазмуниндаги саволлар[2] таққослаш ёки қиёслаш методи доирасида иш юритишни тақозо этади. Бинобарин, “Янги ўзлаштириладиган билимларни аввалгилари билан таққослаш усули, ўз навбатида, янги тушунчаларни мустақил равишда тадқиқ қилишнинг бир кўринишидир. Таққослаш методи асосида ўқувчиларда синфдошларининг исбот ва далилларига ўзларининг мантиқий қарашларини қарши қўйишга интилишлари ётади”[3]. Бу эса, ўз навбатида, ижодий фикр юритишга ҳам асос бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкин, бошланғич синф ўқувчиларига қиёслаш иа таққослаш усули ёрдамида анча нарсаларни ўқитишимиз мумкин. Агар ҳар бир ўқитувчи ўзи ўргатмоқчи бўлган мавзуси юзасидан ўша мавзуга мос материал топиб болаларга уларни таққослас ёки қиёслаш топшириғи берилса ва анализ қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

References:

1. G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 2-sinfi uchun darslik. –Toskent: Sharq. 2018
2. Matchonov S. va boshq. O'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. – Тошкент: O'qituvchi, 2017.
3. Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. 89-б.